O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI HOKIMI QARORI

2022 - yil 15 - avgust 436-3-0-Q/22 Jizzax viloyati hokimligi

Бахмал туман ҳокимининг 2021 йил 27 январдаги 106-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш ва Бахмал тумани ҳокимининг 2022 йил 16 майдаги 01-1600 сонли хати ҳамда Бахмал тумани ҳокимининг 2021 йил 27 январдаги 106-сонли қарорида келтирилган хато ва камчиликларни жойида ўрганиш бўйича туман ишчи гуруҳининг далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддаси ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Бахмал тумани ҳокимининг 2022 йил 16 майдаги 01-1600 сонли хати ҳамда 2021 йил 27 январдаги 106-сонли қарорида келтирилган хато ва камчиликларни жойида ўрганиш бўйича туман ишчи гуруҳининг далолатномаси инобатга олинсин.

2. Бахмал тумани ҳокимининг 2021 йил 27 январдаги 106-сонли қарори иловасининг фуқаро Келдиёров Фазлиддинга тегишли бандидаги контур рақами ёзилган сатри техник хатолик билан “332” ёзилганлиги сабабли, “332” рақами **“336”** рақамига алмаштирилсин.

3. Бахмал тумани ҳокими **(М.Анарбаев)**га Бахмал тумани ҳокимининг 2022 йил 16 майдаги 01-1600 сонли хатида келтириб ўтилган хато ва камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан қонунчиликда белгиланган

тартибда чоралар кўриш ва натижаси юзасидан **уч кун муддатда** вилоят ҳокимлигига ахборот киритиш ҳамда мазкур қарор билан манфаатдор томонларни хабардор қилиш вазифалари топширилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари **О.Ашурматов** ҳамда вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи **Б.Бобоқулов** зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Э.Салиев**